

ТЎҒРИ СОЛИҚЛАРГА ОИД ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

мустақил тадқиқотчи

PhD Хўжакулов Рамшид Юнусович

Аннотация. Мазкур мақолада республикамізда янги тараққиёт стратегиясида солиқ-бюджет тизимини самарадорлигини таъминлаш ҳисобланади. Солиқ салоҳиятини ҳисоблаш формулалари келтирилган шунингдек солиқ-сиёсатини такомиллаштириш, бюджетда харажатлар эҳтиёжларини ва тенглаштириш дастурларининг асосий жиҳатларини аниқлашда мавжуд инновацион усуллар ва услубий ёндашувларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлашнинг кенг қўламли усулларини қўллаш таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, маҳаллий бюджет, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

АНАЛИЗ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО ПРАВИЛЬНЫМ НАЛОГАМ

Независимый исследователь Ташкентского
государственного экономического университета

PhD Хўжакулов Рамшид Юнусович

Аннотация. В данной статье рассматривается обеспечение эффективности налогово-бюджетной системы в рамках новой стратегии развития нашей республики. Представлены формулы расчета налогового потенциала, а также предложения по совершенствованию налоговой политики, совершенствованию разработки существующих инновационных методов и методологических подходов при определении потребностей в расходах и ключевых аспектов программ выравнивания бюджетных расходов с применением широкого спектра методов экономико-математического моделирования и прогнозирования.

Ключевые слова: налоги, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, финансовый бюджет, налоговый потенциал, нормативный анализ, позитивный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, налоговый отчет о средней ставке, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка.

ANALYSIS OF SCIENTIFIC AND THEORETICAL RESEARCH
ON NET TAXES

Tashkent State University of Economics
independent researcher
PhD Khujakulov Ramshid Yunusovich

Annotation. In this article, it is considered to ensure the effectiveness of the tax-budget system in the new development strategy in our republic. Tax potential calculation formulas are presented as well as proposals for improving tax policy, improving the development of existing innovation methods and methodological approaches in determining the cost needs and key aspects of Equalization programs in the budget, applying a wide range of methods of economic-mathematical modeling and forecasting.

Keywords: tax, budget policy, budget, tax administration, financial budget, tax potential, regulatory analysis, positive analysis, tax burden, representative tax rate, average rate tax report, tax revenues, tax benefits, tax rate.

Кириш. Давлат бюджети тузумидан ва тараққиёт даражасидан қатъий назар, давлат функцияларини бажариш учун бюджет даромадларининг лозим даражада шакллантириш ҳар бир давлат учун зарур ҳисобланади. Бу вазифа солиқ сиёсатини тўғри юритишда ҳамда бюджет дефицитини қоплаш усулларини танлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги тараққиётнинг ҳозирги босқичида республикамизда маҳаллий бюджетларнинг ролини ошириш, ташаббусли бюджетни жорий этиш билан боғлиқ масалаларини ҳал этиш учун уларнинг даромад манбаларини тўғри прогноз қилиш орқали уларнинг даромадларини кучайтириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Иқтисодий нуқтаи назардан, солиқ ва солиқдан ташқари тушумларнинг ўсиши учун қўшимча захираларни топиш ва жалб қилиш нафақат маҳаллий бюджетларни тўлдириш, балки замонавий ҳуқуқий маконни шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар, турли ижтимоий йўналтирилган шаҳар дастурлари ва уларни амалга ошириш масаласидир.

Россиялик иқтисодчилардан Ю.А. Власова нинг фикрига кўра “Маҳаллий бюджетларнинг даромадли салоҳияти давлат-хусусий шерикликни янада фаолроқ амалга оширишни, солиқ имтиёзларини жорий этиш ва бюрократик жараёнларни тезлаштириш ва соддалаштириш орқали бизнес юритишни иложи борица осонлаштиришни, ноишлаб чиқариш харажатлари улушини камайтиришни ва ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтиришни талаб қилади. Натижада минтақадаги бюджет сиёсати самарадорлигининг ошишига олиб

келади. Маҳаллий бюджетларнинг даромад салоҳиятини ошириш бўйича комплекс қарор узоқ муддатли истиқболда бутун минтақа иқтисодиёти учун кучли ижобий таъсир кўрсатади”[1]. Яна бир Россиялик иқтисодчи, профессор О.Сухарев барча даражадаги бюджет даромадлари манбаларини тубдан ўзгартириш, бюджет механизмини рағбатлантиришга йўналтирилган харажатларни самарали фаолият натижаларни жорий этиш тизимини илгари суради [2]. Жумладан, А.В.Брызгалин ўз тадқиқотларида солиқ тушумлари билан солиқ юки ўртасидаги боғлиқларни тадқиқ қилиб унинг солиқ тушумлари прогнозига таъсирини баҳолаган бўлса, В.Г.Пансков ва В.Кынязевлар бюджетни прогноз қилишда солиқ тушумларини прогнозлаштиришнинг аҳамиятини кўрсатиб берган. [3,4]. С.Худойқулов ўз тадқиқотларида эконометрик усуллар орқали давлат бюджети жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланган[5], А.Агзамов жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 2019-2023 йиллар учун прогноз кўрсаткичларини аниқлаган, PhD У.Пардаев давлат бюджети даромадларини прогнозлаш масалаларини тадқиқ этган, и.ф.д. Ж.Урмонов 2018-2020 йилларга мўлжалланган ягона солиқ тўловининг солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларини аниқлаган [6]. Бизнинг фикримизча бюджет даромадларидаги улушини ортиб бориши, солиқ тўловчилар сонининг ўсиши, солиқ имтиёзлари, солиқ қарзлари ва ортиқча (олдиндан) тўловлар динамикасидаги ўзгаришларига олиб келади. Бундан ташқари давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш рақобатбардошликка таъсир қилиш омилларидан бири бўлсада, солиқ тизими корхоналарнинг рақобатбардошлигига турли хил йўллар билан таъсир қилади. Солиқ солиш инвестиция ва инновацион жараёнларга таъсир қилиш орқали корхоналарнинг рақобатбардошлигига билвосита таъсир қилади.

Тадқиқот методологияси

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўтиш мезонини биринчи марта XVII аср солиқлар борасида чуқур илмий тадқиқотлар олиб борган инглиз файласуфи Жон Локк ҳар қандай солиқ ундирилганидан келиб чиқиб, охир - оқибат ер эгасига тушади, чунки фақат эр эгасининг даромади ҳақиқатан ҳам барча солиқларни тўлайдиган соф даромаддир. Кейинчалик, Шотландия иқтисодчиси ва файласуфи А. Смит ишлаб чиқариш омилларига (ер, меҳнат, капитал) асосланиб, ер эгасининг даромадини капитал ва меҳнат даромадлари ва шунга мос равишда иккита тўғри солиқ-

тадбиркорлик даромадлари ва иш ҳақи билан тўлдирди. А.Смитнинг ёндошувига кўра, “билвосита солиқлар харажатлар билан боғлиқ ва истеъмолчига ўтказиладиган солиқлардир”¹. Дарҳақиқат бу вақтларда иқтисодий таълимотларнинг Физиократлар оқимининг ғоялари устун бўлиб, улар асосан ер барча бойликларнинг асоси ва давлат ғазнасининг ҳам муҳим манбаи сифатида ердан келадиган даромадларга алоҳида урғу берганки, даромадларни солиққа тортиш эса, мазмунан тўғри солиқларнинг мавжудлигини тақозо қилади. Ўз навбатида А.Смит эса тўғри солиқлар билан биргаликда эгри солиқларнинг ҳам аҳамияти билан шуғулланган ва юқорида келтирганимиздек, эгри солиқлар харажатлар сабабли истеъмолчилар зиммасига тушишини дастлабкилардан тушунтириб бердилар.

Инглиз иқтисодчиси, файласуфи ва жамоат арбоби Жон Стюарт Милл тўғри ва эгри солиқларнинг гуруҳланиши ва уларнинг моҳияти ҳақида кенгрок илмий тадқиқот олиб борган олимлардан ҳисобланадики, унинг таъбирича “тўғри солиқ - бу қонун чиқарувчидан солиқ тўловчига ўтиши керак бўлган солиқ, эгри солиқ тўловчи томонидан бошқа шахсга ўтказилиши керак бўлган солиқдир.”² Кейинчалик унинг Ж.Миллнинг издоши бўлган немис иқтисодчиси Адолф Вагнер томонидан ҳам тўғри солиқлар хусусидаги илмий тадқиқотларининг хулосаси ва қарашлари ҳам Ж.Миллнинг илмий қарашларига анчайин мос келар эди. Бу икки олимнинг илмий қарашлари А. Смитнинг тўғри солиқлар борасидаги ёндошувларига мазмунан яқинроқ эди.

Яна бир солиқ назарияси билан шуғулланган немис олими Атберт Шеффленинг тўғри солиқларнинг моҳияти ва аҳамияти билан боғлиқ тадқиқотлари анча аҳамиятлидир. Ушбу олим бу борадаги тадқиқотларида солиқлар гуруҳлаш билан шуғулланиб, солиқларни эгри солиққа тақсимлашда солиқ тўловчининг солиқ ва тўлов қобилияти ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлиги бўйича таснифлашни тўғри деб ҳисоблади. Шундай қилиб, у “давлат шахснинг ўртача солиқ юқини кўллайдиганларни” тўғри солиқлар, фақат индивидуал солиқ тўловчини аниқлаш учун давлат барча фуқароларга солиқ солади, чунки улар ўз даромадларини тўплаш ва истеъмол қилиш актларида аниқлайдилар ва бу эгри солиқлар”³ деб ҳисоблайди.

Альберт Делатур “тўғри солиқлар фақат нормал ва доимий маълумотлар асосида, эгри солиқлар фақат маълум фактлар асосида ундирилади”⁴ деб ҳисобласа, Француз иқтисодчиси Де Фовилл эса “тўғри солиқлар барқарорлик, доимийлик ёки ҳеч бўлмаганда давомийлик (мавжудлик, маданият, касб)

¹ Аникин, А.В. Юность науки: Жизнь и идеи мыслителей - экономистов до Маркса [Текст] : учебное пособие / А.В. Аникин. - М.: Политиздат, 1985. - 110 с.

² Столяров, И.А. Антология экономической классики. В 2-х т.: Т.1 [Текст] : учебное пособие / И.А. Столяров. - М.: Эконом, 1993. - 254 с.

³ Шовапский С.И. Косвенное обложение в теории и практике. Одесса. 1892. С. 16

⁴ Иловайский СИ. Косвенное обложение в теории и практике. Одесса. 1892. С. 10.

хусусиятига эга, эгри солиқлар ҳаракат, ҳақиқат, алмашинув ва йиғим, қоида, тарифлар орқали ундирилади"⁵ деган ғояни илгари сурган, ўз навбатида немис иқтисодчиси Нейман эса, "тўғри солиқлар кадастр бўйича, эгри солиқлар тарифлар бўйича ундирилади"⁶ деб ҳисоблаган, ушбулардан фарқли ўлароқ, италиялик иқтисодчи Ф.Нитте ўзининг "Молия фанининг асосий принциплари" асарида: "эгри солиқлар мулкнинг сифатига эмас, балки вазиятга, шахсий фактларга ва доимий ҳаракатларга таъсир қилиш бўлса, тўғри солиқларда давлат фуқароларнинг солиқ лаёқати тўғрисида бевосита асослар (эгаллик, даромад) бўйича хулоса чиқаради; эгри солиқлар ҳаракатлар (истеъмом, алмашинув) билан белгиланади, шунинг учун тўғри солиқлар тўғридан-тўғри солиқ манбаи бўлиб хизмат қилади, эгри, асосан маълум муносабатлар, истеъмом ёки муомалага таъсир қилиши мумкин"⁷ деб тўғри ва эгри солиқларнинг ўзаро нисбат хусусиятларини келтиради.

Ушбу классик ва замонавий классик олимларнинг умумий қарашларини қисқа умумлаштирган ҳолда муаллифлик ёндошувларимизни тавсифлайдиган бўлсак, солиқ доимий, барқарор ҳодисалар асосида ундирилса, у тўғри солиқ, аксинча, доимий, вақтинча, башорат қилиш қийин бўлган ҳодисалар асосида солиқ ундириш эгри солиқ деб ҳисоблаш қарашларни кўриш мумкин, бундан ташқари тўғри ва эгри солиқларни таснифлашда даромад ва харажатлар принципага тобора кўпроқ эътибор қаратиш тенденцияси мавжуд бўлган, истеъмом товарларига маблағ сарфлашда ундирилган солиқлар эгри солиқлар, солиқ тўловчиларнинг даромадлари ёки мол-мулкидан ундириладиган солиқлар тўғри солиқлар деган илмий қарашлар шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

Солиқ назарияси бўйича кейинги даврларда илмий тадқиқотлар олиб борган рус олими М.Р. Пинскаянинг бу борадаги илмий қарашлари ҳам ўз моҳиятига эгадир. Унинг фикрича, "солиқларни белгилаш усули ва ундирилиш усулига кўра солиқлар тўғридан-тўғри ва билвосита бўлинади. Ушбу тасниф доирасида бўлинмалар ҳам мавжуд. Тўғридан-тўғри солиқлар, ўз навбатида, шахсий ва реал (мақсадли) бўлинади. Шахсий тўғридан-тўғри солиқлар ҳақиқатда олинган даромаддан тўланади ва солиқ субъектининг ҳақиқий тўлов қобилятини акс эттиради. Буларга жисмоний шахслардан олинладиган даромад солиғи, юридик шахсларнинг даромад солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулки солиғи, жисмоний шахсларнинг мол-мулки солиғи ва бошқалар киради. Реал тўғридан-тўғри солиқлар маълум бир солиққа тортиш объектидан олинган ўртача даромадга боғлиқ. Буларга ер солиғи, транспорт воситалари эгаларидан олинладиган солиқ ва бошқалар киради"⁸.

⁵ Сачофа В. Косвенные налоги и подоходный налог. СПО., 1907. с. п.

⁶ Самофалов В. Косвенные налоги и подоходный налог. 1907. с. 32

⁷ Нитте Ф. Основные приципи финансовй науки. 1907. С 248

⁸ Пинская М.Р. Основы теории налогов и налогообложения / Под научн. ред.д.э.н., проф. В.С. Барда: Монография.

Шундай олимлардан яна бири И.М. Александров “солиқ бу нафақат иқтисодий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, фалсафий ва тарихий тушунча, балки энг аввало «давлат», “давлат бюджети” тоифалари билан қаттиқ боғланган молия фанининг тушунчасидир”⁹ деган фикридан кўриш мумкинки, тўғри солиқлар ҳам давлат тушунчаси ва унинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир томондан давлатнинг сиёсатини ўзида акс эттирса, бошқа томондан солиқ тўловчиларнинг солиққа оид қарашлари ва эътирозларини ўзида ифодалайди. Ўз навбатида ушбу олим тўғри солиқлар моҳиятини қуйидагича: “солиқларни таснифлаш нафақат илмий жиҳатга, балки энг аввало амалий йўналишга эга бўлиб, умумий солиққа тортиш тизимидаги солиқлар бўлган ўрганилаётган предметни тўлиқроқ тавсифлаш имконини беради. Тўғридан-тўғри солиқлар жисмоний шахсдан олинадиган даромад солиғи, юридик шахсларнинг даромад солиғи, мол-мулк солиғи, ўрмонлар, ерлар, конлар ва бошқалар каби солиқ тўловчининг даромадидан ёки мулкдан ундирилади. Тўғри солиқлар реал ва индивидуал шахсларга бўлинади. Бу бўлиниш солиқ тўловчининг молиявий аҳволи белгисига асосланади. Реал солиқлар солиқ тўловчининг молиявий аҳволдан қатъи назар, айрим турдаги мол-мулк, товарлар ёки фаолият турлари бўйича тўланади. Шахсий солиқлар солиқ тўловчининг молиявий ҳолатини ҳисобга олади ва даромад манбасидан (иш ҳақи, фойда, дивидендлар ва бошқалардан) ундирилади”¹⁰ изоҳлайди. Шу жиҳатдан олганда мазкур олимнинг қарашлари умумий тартибдаги бошқа олимларнинг илмий қарашлари билан уйғунликни англаш мумкинки, тўғри солиқларнинг ўзини ҳам икки гуруҳга бўлишда эса ушбу солиқларни ундириш нуқтаи назаридан эмас, балки, солиқнинг манбаи жиҳатдан ёндошганки, бу фикримизча бироз баҳслидир.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” ўқув қўлланмаси муаллифлари Е.Г.Ефимова, Е.Б. Поспеловалар солиқларни гуруҳлашда уларни йиғилишига кўра гуруҳлаб, “барча солиқлар бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади: бевосита солиқлар солиқ тўловчининг даромадидан ёки мулкдан олинадиган солиқлардир. бевосита солиқ миқдори даромад миқдори ёки мулк қийматига боғлиқ бўлиб, уларга қуйидагилар киради: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, даромад солиғи, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар ва бошқалар”¹¹. Деб таърифлайди. Муаллифлар тўғри солиқларнинг моҳияти ва хусусиятлари ҳақидаги қарашларни ушбу солиқларни

– М.: Издательство «Палеотип», 2004. – 78 с.

⁹ Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник / И. М. Александров. — 10-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К^о», 2009. — 10 с.

¹⁰ Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник / И. М. Александров. — 10-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К^о», 2009. — 23 с.

¹¹ Е.Г. Ефимова, Е.Б. Поспелова. Налоги и налогообложение: Учебное пособие. – М.: МИИР, 2014. – 16 с. ISBN 978-5-4349-0005-8

ундириш усулларига эътибор қаратиш орқали ифодалайди. Уларнинг фикрича, тўғри солиқлар ундириш услубиётига кўра, ҳисоблаш усули (декларация усули) - солиқ тўловчи солиқ органига солиқ декларациясини тақдим этиши керак - солиқ тўловчининг олинган даромадлари ва қилинган харажатлари, мол-мулкининг мавжудлиги ва бошқалар тўғрисидаги ёзма баёноти. маълум бир вақт учун; ушлаб қолиш усули - бошқа шахсга даромад тўлайдиган шахс (солиқ агенти) солиқни ушлаб қолишни амалга оширади. Шахсий даромад солиғини ундиришда, дивидендлар, фоизлар шаклида олинган даромадларни солиққа тортишда ушлаб қолиш усули қўлланилади, кадастр усули - солиқ тўлови микдори кадастр маълумотлари асосида аниқланади, бу ташқи хусусиятлар бўйича таснифланган типик объектлар рўйхатини, шунингдек солиқ солиш объектининг ўртача даромадини белгилайдиган ҳужжатдир. Масалан, ушбу усул ҳисобланган даромад бўйича ягона солиқни ҳисоблашда қўлланилади”¹² деб изоҳлайдики, дарҳақиқат аксарият ҳолларда тўғри солиқларни бюджетга жалб қилиш айнан ўша усуллардан фойдаланилади.

О.Лазуринова эса “бевосита солиқлар ўз объекти сифатида солиқ тўловчининг даромади ёки мулкига эга, эгри солиқлар эса хўжалик операцияларидан (тегишли товарлар, ишлар ва хизматларни сотиш, божхона ҳудудидан ташқарига олиб кириш ёки олиб чиқиш ва бошқалар) ундирилади”¹³ деб таърифласа, солиқ назарияси бўйича таниқли рус олими Е.Майбуров бошчилигида ёзилган “Солиқлар ва солиққа тортиш” дарсликда тўғри солиқларнинг моҳиятини уларга солиқларнинг эгри солиқларга нисбатан кам юкланиши сифатида тавсифлайди ва тўғри солиқлар даромад, мулк эгаларининг иқтисодий фаолияти самараси қараб ҳажми ўзгариб борадиган ва солиқ тўловчининг фаолиятини маълум бир даражада тартибга солиб турадиган солиқлар кўринишида ифодалаб берган.

Бундан ташқари, Ю.И. Петров ўзининг “Солиққа тортишнинг тарихи ва назарияси” номли ўқув қўлланмасида, А.В.Перовнинг “Солиқлар ва солиққа тортиш” дарслигида, Н. Е.Смольяниновнинг “Солиқ назарияси ва солиққа тортиш асослари” дарслигида, шунингдек, Д.Г.Черникнинг “Солиққа тортишнинг тарихи ва назарияси” номли дарсликларида солиқларнинг моҳияти, уларнинг келиб чиқиш генезиси, давлатнинг солиқ сиёсатида солиқларнинг гуруҳланиши асосида тактик йўналишлар, солиқларни гуруҳлашнинг илмий-назарий асослари, тўғри солиқларнинг мазмуни ва уни тавсифловчи иқтисодий хусусиятлари ҳам илмий ҳам услубий жиҳатдан келтириб ўтилган¹⁴.

¹² Ўша манба. 23 б.

¹³ Налоги и налогообложение: Учебное пособие / Под общей редакцией к.э.н., доцента Лазуриной О. М. – Ярославль: МФЮА, 2014. – 37 с.

¹⁴ Петров, Ю. И. Теория и история налогообложения : метод. рекомендации по изучению дисциплины / Ю. И. Петров. — М. : Юридический институт МИИТа, 2010. — 40 с., Перов, А. В. П. Налоги и налогообложение : учебник для бакалавров /А. В. Перов, А. В. Толкушкин. — 12-е изд., перераб. и доп. — М. :Издательство Юрайт,

Энди тўғри солиқларга оид илмий тадқиқот ишлари ҳамда уларнинг услубий асослари бўйича тадқиқотлар ва ўқув материаллари тайёрлаган маҳаллий олимларимизнинг илмий-услубий қарашларини таҳлил қиламиз. Дастлаб услубий ишлардаги мазмунни таҳлил қиладиган бўлсак, “Солиқлар ва солиққа тортиш” дарслигининг муаллифлари А.Ваҳобов ва А.Жўраевларнинг фикрича, “иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Тўғри солиқларни тўғридан тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солиқ юқини бошқалар зиммасига юклатиш ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқлар таркибига барча даромаддан тўланадиган солиқлар ва мол-мулк (ресурс) солиқлари киради”¹⁵. Ўз навбатида ушбу муаллифлар тўғри солиқларнинг солиқ тўловчилар фаолиятига таъсирини назарий жиҳатдан куйидагича: “тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари оширилса, корхоналарнинг молиявий имкониятлари камая боради ва охир оқибатда мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Демак, бу гуруҳ таркибига кирувчи солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри иқтисодий ривожланиш билан бевосита боғлиқдир. Жаҳон солиқ амалиётида Давлат бюджети даромадлари таркибида тўғри ва эгри солиқларнинг нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасига баҳо бериш мумкин. Масалан. АҚШда бюджет даромадлари таркибида тўғри солиқлар салмоғининг 90 фоизга яқин бўлиши бу мамлакат иқтисодиётининг юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради”¹⁶ деган илмий хулосаларни келтиради.

Ўзбек тилида тайёрланган “Солиқ назарияси” номли ўқув қўлланмасида тўғри солиқларнинг юзага келиши, уларнинг ички хусусиятлари ва таркиби билан боғлиқ ҳам услубий ҳам илмий ёндошувлар мавжудлиги таъкидлашимиз мумкин. Яъни ушбу қўлланманинг муаллифларининг фикрига кўра, тўғри солиқлар XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида шаклланган бўлиб, улар фақат XX асрда кенг оммалашган. Муаллифларнинг фикрича: “тўғри солиқлар тўғридан-тўғри даромадга ва мол-мулкка қаратилади (солиққа тортишнинг бевосита шакли). Даромадлар оладиган (мол-мулкка ва шу кабиларга эгалик

2013. — 996 с. — Серия : Бакалавр. Базовый курс., Смольянинов, Н. Е. Основы теории налогов и налогообложения: учеб. пособие / Н.Е. Смольянинов; Уфимск. гос. авиац. техн. ун-т. – Уфа: УГАТУ, 2008. – 107 с., Черник, Д. Г. Теория и история налогообложения : учебник для академического бакалавриата / Д. Г. Черник, Ю. Д. Шмелев ; под ред. Д. Г. Черника. — М. : Изда-тельство Юрайт, 2014. — 364 с. — Серия : Бакалавр. Академический курс. ISBN 978-5-9916-4221-7.

¹⁵ А.Ваҳобов, А.Жўраев Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик /Ҳаммуал.: А.Ваҳобов, А.Жўраев. – Т.: “Шарк” нашриёти – 2009. –52-53 бет.

¹⁶ Ўша манба. 52 б.

қиладиган) хўжалик юритувчи субъектлар тўғри солиқларнинг пировард тўловчиси ҳисобланади, нархларга устамалар орқали солиқ юки юклаб қўйиладиган товарнинг истеъмолчиси эса эгри солиқларнинг пировард тўловчиси ҳисобланади. Амалиётда нафақат эгри солиқлар, шу билан бирга тўғри солиқларни ҳам истеъмолчилар зиммасига ўтказиш имконияти мавжуддир. Масалан, корхоналар тўлайдиган солиқлар юки инфляция даврида кўпинча нарх-навони ошириб юбориш орқали истеъмолчилар зиммасига юклаб борилади. Тўғри солиқларга тортишда маблағларнинг сафарбар қилиниши янги қийматни тақсимлаш пайтида бошланади. Давлат даромад олинган пайтдаёқ унинг бир қисмига ўз ҳуқуқлари билан даъво қилади. Тўғри солиқлар реал ва шахсий солиқларга бўлинади. Реал солиқлар солиқ тўловчи мол-мулкнинг айрим турларидан (ер, уйлардан) кадастр асосида ундирилади, тўловчининг ҳақиқий даромадлилигини эмас, балки ўртача даромадлилигини ҳисобга олади. Солиққа тортиш объектига қараб қуйидагилар реал солиқларга киради: ерга оид, уй-жойларга доир, касб-хунарга тегишли, қимматли қоғозлардан олинадиган солиқлар. Реал солиқлар ташқи белгиларига асосланади, солиққа тортиш мол-мулкнинг кадастр бўйича аниқланадиган ўртача даромадлилиги бўйича амалга оширилади. Ўз моҳиятига кўра бундай солиқлар регрессив тусга эга¹⁷ деган илмий-услубий қарашларни ифодаланган.

Энди бевосита тўғри солиқлар ва уларнинг таркибига кирувчи солиқларни моҳияти ва уларни ҳисоблаш, ундириш билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ қилинган илмий тадқиқотларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг айримларини келтириб ўтамиз. Бу борада Қ.Бозоров, Б.Қодиров, Д.Даминов, М.Собиров, М.Усмонова, А. Исломқулов, Д.Абдуллаев, Ш.Қиясов, А.Бозоров, З.Абдуллаев, Х.Зарипов, Р.Қурбонов, Н.Артиқов, А.Адизов, А.Агзамов, З.Ахроров ва шу кабиларнинг илмий-тадқиқот ишларида тўғри солиқларнинг турли хил моҳияти ва хусусиятлари ёритилган.

Тўғри солиқлар жумласига кирувчи фойда солиғига оид мустақиллик йилларидаги дастлабки тадқиқотлардан бўлган доц. Қ. Т.Базаров томонидан тадқиқот ишида “хўжалик юритувчи субъектлар фойдасидан олинадиган солиқнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги роли ва ўрни аниқланган, унинг ривожланиш босқичлари ва қонуниятлари, фойдадан олинадиган солиқнинг олинishi бир вақтнинг ўзида ҳам бюджетнинг манфаатларига ва ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг манфаатларига мос келиши кераклиги исботланган, оқилона нисбатнинг бузилиши натижасида солиқ ўзи олдиға қўйилган вазифани бажара олмаслиги кўрсатиб берилган,

¹⁷ Солиқ назарияси: Ўқув қўлланма / Муал.: А. Жўраев, О. Мейлиев, Ғ. Сафаров. – Т.: Тошкент Молия институти, 2004. –90-63 бетлар.

фойдадан олинадиган солиқ ва у бўйича бериладиган имтиёзлар билан фойда ўртасида диалектик боғлиқликнинг борлиги, имтиёз бериш бўйича қарашларнинг асоссизлиги исботланган, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ механизмини такомиллаштириш ва бозор муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз давлат бюджети даромадларини шакллантириш доирасида мазкур солиқ механизмининг рағбатлантирувчилик хусусиятлари кучайтириш, шу солиқ механизмида мавжуд бўлган имтиёзларда самарали ва оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бир қатор амалий ва илмий характерга эга бўлган таклифлар”¹⁸ ишлаб чиқилган.

Бу борадаги ўша даврлардаги илмий тадқиқотлардан яна бири бу доц. Б.Қодиров томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳисобланди. Яъни, Б.Қодиров ўзининг номзодлик тадқиқот иши доирасида “бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида бевосита ва билвосита солиқларнинг вазифалари умумлаштирган, бевосита ва билвосита солиқлар нисбатини оптимал ташкил этишда хорижий мамлакатларнинг солиққа тортиш тажрибалари тадқиқ этган ҳолда уларни миллий тизимга татбиқ этиш мумкин бўлган истиқболли йўналишларини белгилаб берган, солиқлар тизимини гуруҳлаш борасидаги қарашлар тадқиқ этилиб, бевосита ва билвосита солиқларнинг моҳияти атрофича ёритилган ва уларнинг мазмунини тўлиқроқ ифодалайдиган янгича таъриф берган, билвосита солиқлар корхоналар фаолиятига бетараф эмаслиги ва айланма маблағларни қисқартираётганлиги исботланиб, билвосита солиқларни назарий моҳиятига мос ҳолда бетараф солиқлар сифатида шакллантириш йўллари аниқланган, солиқларни ҳисоблаш ва ўз вақтида бюджетга ўтказиш борасидаги камчиликлар кўрсатиб берилган ҳолда, аванс тўловларини ҳисоблашнинг амалдаги тартиби асоссиз пенялар ҳисобланишига, солиқ юки ва боқимандаларнинг ўсишга олиб келаётганлигини исботлаган ҳамда уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берган”¹⁹

Амалиётчи иқтисодчи олим Д.Даминов ўзининг “Ўзбекистон солиқ тизимида тўғри солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги номзодлик диссертациясида тўғри солиқларни ҳисоблаб чиқариш муаммолари ва уларни ҳал этишнинг йўллари кўрсатиб берган бўлса, Н.Я. Артиков эса, ўз тадқиқотларида “юримдик ва жисмоний шахслар даромад (фойда)ларини солиққа тортишнинг ҳолатини таҳлил қилган, тўғри солиқларни солиққа тортиш тизимидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиққан, даромадларни солиққа тортиш механизмини

¹⁸ Базаров Қ. Т. Корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ механизмидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т. 1998 й. 7-8 б.

¹⁹ Қодиров Б. Қ. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т. 2004 й. 8-10 б.

такомиллаштириш йўллари аниқлаган, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида юридик ва жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиққан”²⁰.

Охириги икки-уч йилда республикамиз солиқ тизимида тўғри солиқларга оид маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада доцентлар Д.Абдуллаев, З.Ахроров, Х.Зарипов, Ш.Қиясов, А.Агзамовлар томонидан ушбу солиқларнинг моҳияти ва уларни ундириш механизмлари билан боғлиқ илмий ишлар олиб борилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Д.Абдуллаев ўз тадқиқотларида “солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлар таркибини бекор қилиш асосида фойда солиғини ҳисоблаш соддалаштириш зарурлиги асосланган, фойда солиғи бўйича экология, соғломлаштириш, хайрия ва болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган маблағлар учун берилган имтиёزلарни бекор қилиш орқали бюджетга қўшимча маблағ жалб қилиш асослаган, фойда солиғи бўйича корхоналар томонидан текин берилган мол-мулкнинг (хизматларнинг) қиймати ва бу билан боғлиқ бўлган харажатларни чегирилмайдиган харажатлар таркибига киритиш таклиф”²¹ини ишлаб чиққан.

Юқорида тўғри солиқларнинг моҳияти, мазмуни ва хусусиятларига оид иқтисодчи олимларнинг илмий ёндошувларини илмий таҳлил асосида танқидий умумлаштириш тўғри солиқларнинг моҳиятини акс эттирувчи муаллифлик таърифимизни ишлаб чиқишга асос бўлди. Шу жиҳатдан олганда тўғри солиқлар деганда солиққа тортиш объектларидан келиб чиққан ҳолда турли даражадаги бюджетларга белгиланган солиқ базасининг бир қисмини солиқ тўловчининг фаолияти натижаларидан келиб чиқиб, солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан ҳисоблаб бюджетга тўланадиган солиқлар тушунилади.

Тўғри (бевосита) солиқлар солиқ тизимида кирувчи муҳим солиқ турларидан бири ҳисобланади. Агар, солиқларнинг ўзининг ижтимоий ва иқтисодий илдизига қарайдиган бўлсак, улар давлатнинг муҳим молиявий инструменти сифатида юзага келган. Яъни, давлат бундай молиявий инструментсиз ўзининг фаолиятини молиялаштириш имкониятини йўқотади. Сабаби давлат тизимида кирувчи, жамиятга хизмат қилувчи ва иқтисодий ҳамда социал-ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи ускуртма тизимлар (давлат органлари) ҳам жамиятнинг бир маромда мавжуд бўлиши ва унинг ривожланиб бориши учун муҳим саналадики, уларнинг фаолиятини

²⁰ Н.Я. Артиков. Даромадларни солиққа тортиш жараёнидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т. 2007 й. 7 б.

²¹ **Абдуллаев Дилмурод Алияр ўғли.** Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т. 2021 й

молиялаштириш эса, иқтисодий соҳа вакиллари зиммасига тушади. Бу эса, солиқ каби молиявий инструментларни қўллаш орқали таъминланади. Шу жиҳатдан олганда, солиқлар иқтисодий соҳадаги яратилган маҳсулотларнинг қиймат шаклидаги бир бўлагини жамият манфаатларига хизмат қилувчи давлат таркибидаги тузилмаларни молиялаштириш учун хизмат қиладиган муҳим молиявий инструментлардир деб баҳолаш ҳам ўз иқтисодий мазмунига эга.

Давлат жамият манфаатларини кўзлаб турли хил солиқларни жорий этар экан, уларнинг амал қилишининг бутун бошли тизимни шакллантиришини тақозо этади. Бу тизим эса, аввал қанақа солиқлар мавжуд бўлиши кераклиги, нималарга солиқ солиниши, солиқларни кимлар тўлаши ва қандай тартибдалиги, жорий қилинган солиқларни қандай ундирилиши каби кўплаб иқтисодий масалаларни ҳал қилишни тақозо этади. Агар, солиқларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг турли хил кўринишларига эътибор берадиган бўлсак, бошқа солиқлар сингари тўғри солиқлар деб аталувчи солиқларнинг ҳам иқтисодий-ижтимоий мазмунини англаш имкони бўлади. Чунки, давлат ўзининг иқтисодий функцияси-жамиятни иқтисодий тартиблаш асосида турли соҳалар ўртасида мувозанатни ўрнатиш борасида жамиятда яратилган маҳсулотларни қайта тақсимлашда солиқлар, жумладан тўғри солиқлардан фойдаланади. Давлатнинг пул фондларига зарурият бошқа солиқлар сингари тўғри солиқларнинг юзага келишининг шарт-шароитларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари агар давлатнинг дастлабки пайдо бўлишидаги давлатнинг асосий манбаси (ўлпонлар)ни эътиборга олмаганда, солиқлар пул фондларининг асосий молиявий манбаси бўлиб келмоқдаки, уларда тўғри солиқлар муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, тўғри солиқларнинг юзага келишида мануфактуранинг юзага келиши ҳам алоҳида роль ўйнаган. Агар моҳиятига қараганда “мануфактура — бу меҳнат тақсимотига асосланган, лекин **машина** ҳали мавжуд бўлмаган шароитдаги **кооперация бўлиб**, унда ишлаб чиқаришнинг умумлашув жараёни давом этади, ялпи ишчи кучи таркиб топади, ҳар бир айрим ходим эса ялпи ишчи кучининг таркибий қисмига айланади, оддий кооперациядагидек қўл меҳнатига асосланган қуролга таянади. Шунингдек, у меҳнат тақсимоти ва қўл ҳунари техникасига асосланган корхона”²² бўлиб, саноат тараққиётининг оддий кооперациядан кейинги 2-босқичи ҳисобланадики? Ғарбий Европа мамлакатларида XVI асрнинг ўрталарида вужудга келиб, бу давлат ғазнасининг даромад манбаси сифатида саноатлашган корхоналарида юзага келган даромадларни ва уларга тегишли мулклардан солиқларни жорий этишни юзага келтирди. Бу эса, жамиятда саноатлашуви билан бирга солиқ тўловчининг ўзидан тўғри тартибда ундирилишига асосланган янги даромад манбалари пайдо

²² <https://uz.wikipedia.org/wiki/Manufaktura>.

бўлишига сабаб бўлди. Шундан келиб чиқиш айтиш мумкинки, мануфактуралар ҳам тўғри солиқларнинг юзага келишининг муҳим иқтисодий омиллари бўлиб хизмат қилган.

Хулоса ва таклифлар:

Солиқларнинг турли хил хусусияти ва моҳиятига кўра турланиши биринчидан, солиқларнинг моҳиятини чуқурроқ англашга хизмат қилса, иккинчидан, солиқларнинг гуруҳланиши давлатнинг иқтисодиётни тартиблашда, солиқ тўловчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда солиқларнинг ролини ва улардан қандай фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб беради, учинчидан, солиқларнинг гуруҳланиши бюджет тизими бюджетларининг даромад манбаларини аниқлашда, улар ўртасида муносабатларни тартиблашда, солиқли молиявий ресурсларини тўғри тақсимлаш механизмларини ишлаб чиқишга имконият туғдиради, тўртинчидан, солиқларнинг фискал аҳамиятини аниқлаш орқали давлат бюджетига солиқ тушумларини муайян даражада прогноз қилиш объективлигини таъминлашга хизмат қилади, бешинчидан эса, миллий иқтисодиётдаги предмет, жараён ва муносабатларни солиқ объекти сифатида белгилашни тўғри амалга оширишга имконият туғдиради, демакки, солиқларни гуруҳлаш бир томондан назарий асосига эга бўлса, бошқа томондан солиққа тортиш жараёнини тўғри ташкил қилишда амалий аҳамиятга эгадир.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Власова Ю.А., Абрамова А.И. Проблемы укрепления доходного потенциала региональных бюджетов в России на примере калужской области//Креативная экономика. 2015. Т. 9. № 10. С. 1255-1276.

2. Сухарев О.С. Инвестиции в транзакционный сектор и в финансовые активы: влияние на экономический рост. Финансы: теория и практика. 2020;24(3):60–80. DOI:

3. Брызгалин А.В. «Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации». -М.: 2002. С.54.

4. Пансков В., Кынязов В. «Налоги и налогообложение». Учебник. -М.: МЦФЭР. 2003.С.61

5. Худойкулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. 2019 йил. Б. 14-16; 20-21; 28-29.,

6. Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.

Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган

диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. 2019 йил. Б. 27, 218-220, 225-230.

7. Мирзаева Ф. М. Макroiqtisodiy ko'rsatkichlarga bilvosita soliqlarning ta'siri //Журнал Инновации в Экономике. –2021. – Т. 4. – №. 11.

8. Стиглиц Дж. Экономика государственного сектора/Дж. Стиглиц; пер. с англ. – М.: МГУ, 1997 – с. 73.

9. Rizka Zulfikar, STp, MM “Estimation model and selection method of panel data regression : an overview of common effect, fixed effect, and random effect model”

10. Greene, William H. Econometric Analysis, 7th ed., Pearson Education, 2011.

11. Holtz-Eakin, Douglas, Whitney Newey, and Harvey S. Rosen, 1988, "Estimating Vector Autoregressions with Panel Data," *Econometrica*, 56(6), 1371-1395.

12. Солиқ кўмитаси маълумотлари. www.soliq.uz.

13. Хўжақулов Рамшид Юнусовичнинг “Бюджет даромадларининг шакллантиришда тўғри солиқларнинг аҳамиятини ошириш” (phd) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2023.